29 ЯНВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 23 (20. 590) • 1990 йил 27 январь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Компартия **одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш** ишини тубдан яхшилаш вазифасини тағин ҳам кенгроқ қилиб қўймоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш режалаштирилмоқда. 1990 йилдан бошлаб бу соҳада капитал қурилиш ҳажми кескин даражада ошади... Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланади. «Совпластитал» қўшма корхонасида бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

(Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастуридан).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

Тежамкорлик самараси

✦ Қўқондаги 2-пахта тозалаш заводининг аҳил коллективи шартнома мажбуриятларини ошириб бажармоқда.

Ўтган йили область хўжаликларидан қарийб 80 минг 900 тонна ҳосил қабул қилиб олинди. Ҳозиргача унинг 33 минг тоннаси қайта ишланиб бўлди.

Тайёрланаётган сифатли тола Иттифоқимиз ҳамда хорижий мамлакатлар тўқимачиларига пешма-пеш жўнатилиб турибди. Чет элга юборилган тола 12 минг тоннадан ортиб кетди.

Жорий этилаётган ихтиро ва рационализаторлик таклифлари ҳам катта иқтисодий фойда келтиряпти. Йўлдошали Собиров, Фарид Рустамбеков ва Юрий Потанин сингари рационализаторларнинг таклифлари туфайли завод кейинги бир йилда анчагина электр энергия, шартли ёнилғи ва бошқа қимматли хом ашё тежаб қолди.

М. ЭРГАШЕВ,
Фарғона области.

Амалий ёрдам

✦ «Қизилча» совхози Нурота районидаги қорақўлчиликка ихтисослашган йирик хўжаликлардан бири. Бу ерда йилдан-йилга чорва маҳсулдорлиги ошириб борилятти. Чорвадорлар ҳар йили қўзилатиш мавсумига пухта тараддуд кўрадилар. Бу йил ҳам шундай бўляпти.

Айни кунларда муҳим давр — қишлов давом этяпти. Кетма-кет ёққан қор ва аёзли кунлар чорвадорларнинг ташвишини оширди. Шунинг учун ҳам қўйчивонлар барча имкониятлардан фойдаланиб, бу даврни бехатар ўтказишга интилмоқдалар. Бунда уларга совхоз марказида яшайдиган чўпонликдан хабари бор кишилар ҳам ёрдам бермоқдалар. Райондаги қўпгина идораларнинг ходимлари чўпонларга ҳар томонлама кўмак беришди. Уларнинг эҳтиёжларини ўрганиб чиқиб, кундалик зарур молларни етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Махсус штаб тузилган. «ЗИЛ—157» машиналари, ғилдиракли тракторлар, бульдозерлар ажратилган.

Умуман бу йил совхоз бўйича 54 минг 700 бош қўйқўзи боқилмоқда. Шунинг 35 минг 360 боши она қўйлардир. Айни кунларда бу ерда совлиқларга кунига 400 граммдан, қўзиларга эса 250-300 граммдан аралаш ем берилаётир. Нимжон, ориқ моллар алоҳида группага бўлиниб, кучайтирилган рацион асосида парваришланмоқда.

Айниқса, С. Ўсаров, Н. Ялғашов, Т. Қурбонов, Ф. Қўнисов, Ҳ. Ҳаитов ва бошқалар ўз отарларидаги қўйларни юқори семизликда сақлашга эришишаётир.

А. НОРБОЕВ.
Самарқанд области.

Фойда катта бўлди

✦ Сариосиё бройлер фабрикасида меҳнаткашларнинг социал-маданий шароитлари кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

Жумладан, паррандабоқарларнинг уй-жой шароитини яхшилаш ва уларга маданий-маиший объект қуриб бериш, ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш юзасидан қулайликлар яратиляпти.

Яқинда паррандабоқарлар шаҳарчасида 10 уйга 20 оила кўчиб кирди. Тез орада 280 ўринли болалар боғчаси, ҳаммом ва дорихона фойдаланишга топширилади. Айни пайтда 10 ўринли меҳмонхона ва 700 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши жадал давом этяпти.

Фабрикадаги аҳвол яхшиланган сари коллектив аҳлининг меҳнатга муносабати ҳам ўзгаряпти. План-топшириқлар ошириб бажарилмоқда. Ўтган йили кузда кутилганидан анча кўп — 374,8 тонна сифатли парҳез гўшт истеъмолчиларга етказиб берилди. Олинган фойда эса 647 минг сўмни ташкил этди.

М. БОТИРОВ.
Сурхондарё области.

ЙИЛИГА ЮЗ МИЛЛИОН

Маълумки, бир марта ишлатиладиган шприцлар ҳамширалар учун орзу. Яна ўн икки ойдан кейин Тошкентда йилига миллионлаб ана шундай шприцлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бу муаммо ҳал этилади, десак, балки кўпчилик ишонмас. Зеро Ўзбекистон ССР Соғлиқни Сақлаш министрлиги, «Узбекинторг» ташқи савдо бирлашмаси ва Испаниянинг «Фаберсанитас» фирмаси ўртасида тузилган шартномада ана шундай муддат кўрсатилган. Биз Тошкентда бир марта ишлатиладиган шприцлар заводининг қурилиши қандай аҳволдалиги билан танишиш учун бунёдкорлар ҳузурида бўлдик.

— Ҳозирча бўлажак заводнинг пойдеворига бетон қўйиш ишларини муддатида амалга ошириш учун ғайрат кўрсатяпмиз, — дейди комплекс бригада бошлиғи Эдуард Луньев. — Бунёдкорлик ишларини 4-ихтисослаштирилган қурилиш трестининг

Қурилиш майдонларида

126-механизациялашган кўчма колоннаси йигитлари амалга оширмоқдалар. Ун икки киши бир сменада меҳнат қилмоқда. Ишларни икки сменага кўчириш ниятимиз бор. Мўлжалдаги график ишларини уддалаяпмиз. Бетон ётқизиш ишларининг учдан бир қисми амалга оширилган. Завод эса қарийб 500 квадрат метрли майдонни эгаллайди.

— Февраль ойи охригача завод биноси пойдеворини битказиб бериш мажбуриятини олганмиз, — сўҳбатни давом эттиради Э. Луньев. — Боиси, қолган ишлар, чунончи, монтажлаш, созлаш, медицина асбоб-ускуналари ва жиҳозларини ўрнатиш, қолаверса, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юмушларини Испания мутахассислари ўз зиммаларига олишган. Ўйлаймизки, ўзаро шартнома бўйича барча ишлар вақтида рўёбга чиқарилса, кўзда тутилган муддатда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади...

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Тюмень, Ленинград ва Белгород-Днестровск шаҳарларида ГФР фирмалари ёрдамида ишлаб чиқариладиган шприцлар Тошкентдагисидан бироз фарқ қилади. «Фаберсанитас» фирмаси кўмагида фойдаланишга топшириладиган завод маҳсулотлари табобат аҳлига, айниқса, ҳамшираларга маъқул келиши кутилмоқда. Заводда фақат бир марта ишлатиладиган шприцлардан йилига 100 миллионта ишлаб чиқарибгина қолмай, шу билан бирга эмлаш, қон олиш ва қон қуйиш ҳамда томчи-уколлар учун ускуна ва мосламалар ҳам тайёрланади. Бундай медицина воситалари турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда муҳим омилдир.

Ҳ. НОСИРОВ.



✦ Тошкент яқинида бунёд этилаётган бир марта ишлатиладиган шприцлар заводи қурилишидан лавҳалар: 1. Монтажчилар бригадаси бошлиғи Валерий Никаноров. 2. Бетончилар бригадаси бошлиғи Эдуард Луньев (чапдан иккинчи) касбдошлари даврасида. 3. Завод пойдеворн тезкорлик билан ётқизилмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ
суратлари.

Дунё овози

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

БЕРЛИН

ГДР собиқ мудофаа министри Хайнц Кесслер қамоққа олинди. ГДР бош прокурорининг матбуот бўлими пайшанба куни шуни маълум қилди.

Х. Кесслер ГДР министри лавозимида ишлаган вақтида хизмат мавқеини жиноятқорона суиистеъмол қилганликда айбланмоқда.

ЛОНДОН

Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер парламентда Совет Иттифоқида рўй берган миллатлараро муаммоларга тааллуқли саволга жавоб бериб, совет раҳбариятининг қайта қуриш йўлини қатъий қўллаб-қувватлади. «Совет Иттифоқидаги муаммоларга келганда, деди Бош министр, бизнинг ҳар биримиз ана шу муаммолар ҳал этилиши зарурлигини тушунган М. С. Горбачевга бутун қалбимиз билан ҳамдард эканлигимизга ишонаман. Ҳар биримиз сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда уни тўла қўллаб-қувватлаймиз».

СОФИЯ

Мамлакат пойтахтида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум ишида Марказий Комитет аъзолари ва аъзоликка номзодлардан ташқари, БКП Марказий назорат-тафтиш комиссияси раиси ва бюросининг аъзолари ҳам қатнашдилар. Пленум қатнашчилари Болгария Коммунистик партияси янги Низоми ва «Болгарияда демократик социализм манифести» лойиҳаларини, шунингдек партия Марказий Комитетининг БКП навбатдан ташқари XIV съездига «Партияда қайта қуриш ва БХРда демократик социалистик жамият қурилиши» мавзуидаги сиёсий докладни ҳам муҳокама қилдилар.

ВАШИНГТОН

АҚШ мудофаа министрлигининг шахсий вакили хабар қилишича, Америка ҳарбий қўмондонлиги форс кўрфазида турган сўнгги учта мина кемасини у ердан олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилган. Бу кемалар Қўшма Штатларнинг ғарбий соҳилидаги доимий турар жойига қайтариб олиб келинади. Унинг сўзларига қараганда, Америка мина кемаларининг Форс кўрфазидан олиб чиқиб кетилиши сўнгги 18 ой мобайнида кўрфазда бирорта ҳам мина топилмаганлиги натижасида мумкин бўлди ва ҳарбий кемаларнинг мазкур минтақада бўлиши зарур эмас.

ПХЕНЬЯН

Корея социал-демократик партиясининг раиси Ли Ге Бэк АҚШ ва Жанубий Кореянинг бу йил ҳам биргаликда «Тим спирит» ҳарбий машқларини ўтказиш ҳақидаги режаларини қоралаб чиқди. Унинг «Нодон синмун» газетасида бугун эълон қилинган матбуот эълон баёнотида республиканинг Корея яримороли даги аҳволни изга солиш юзасидан янги таклифларига Вашингтон билан Сеул «Тим Спирит—90» машқларини эълон қилиш билан жавоб бердилар. Бу машқларнинг қўлами минтақадаги барқарорликка хавф солади. АҚШ ва Жанубий Кореянинг ушбу босқинчилик машқларига тарафдорлиги улар мамлакатнинг тинч йўл билан бирлашишига қарши чиқаётганликларидан, мухолифлик ва ажралишни сақлаб қолиш йўлидан бораётганликларидан далолат беради.

(ТАСС, 26 январь).

Армия хизматига тайёрланайлик

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш бўлди. Унда ўзбекистонлик жангчиларнинг армияда хизмат қилиш, ёшларни ана шу хизматга тайёрлаш масалалари қараб чиқилди. Кенгашда область партия комитетлари давлат-ҳуқуқ бўлимларининг мудирлари, область ҳарбий комиссариатларининг бошлиқлари, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши, Ўзбекистон ССР Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш министрликларининг вакиллари қатнашдилар.

Нутқларда Совет Армияси сафларида хизмат қилиш ғражданлик фахрли бурчи эканлиги таъкидланди. Ҳозир Ўзбекистондан чақирилган ёшлар турли ҳарбий округлар, шу жумладан Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисмларида хизмат қилишмоқда. Қисмларда жанговар ва сиёсий тайёргарликни ошириш учун ҳамма шароитлар яратилган. Область делегацияларининг ўзбекистонлик жангчилар ҳузурига таштриф буюриши яхши анъанага айланди. Армияга чақирилган ёшларнинг ота-оналари ҳам бўлган делегатларнинг аъзолари қисмларда турли миллатга мансуб жангчиларга муносабатда ҳеч қандай фарқ йўқлигини ўз кўзлари билан кўриб, бунга ишонмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР совет ҳокимияти органлари республикамиздан чақирилган ёшларнинг хизмат шароитларини назорат қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида катта иш олиб бормоқдалар.

Кенгашда Қуролли Кучларда хизматга тайёргарлик кўриш — ёшлар билан сиёсий-тарбиявий, жисмоний, соғломлаштириш ишларининг муҳим таркибий қисми эканлиги уқтирилди. Ўтган йилги армия хизматига чақирув бу ишда ҳали анча камчиликлар борлигини кўрсатди. Хизматга чақирилганларнинг ғарчи қарийб 80 фоизи ҳарбий қисмларга юборилган бўлсада, соғлиғи, бошқа сабаблар туфайли армиядан кетиб қолиш ҳоллари ҳам бўлди. Ўқув юртларида, турар жойларда армияга чақириладиган ёшлар ва чақирилганларни тайёрлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш зарур. ДОСААФ ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар олдида катта вазифалар турибди. Ҳозир республикада оммавий мудофаа ишлари ойлиги бўлмоқда. Бу ойлик ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, жисмоний тарбия ҳаракатини ривожлантиришнинг таъсирчан воситасига айланиши керак.

Бу йил мамлакатимиз Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлайди. Ушбу тарихий воқеага тайёргарлик кўришда ветеранлар ҳам, ёшлар ҳам қатнашишлари керак. Ўтказилаётган тадбирлар байналмилал руҳда, ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг яхши мактаби бўлади.

Кенгаш қатнашчилари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, армия билан халқнинг узвий алоқасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча аниқ-равшан таклифлар киритишди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

26 январь куни Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди, мажлисни Т. Х. Собитов бошқариб борди.

Мажлисда Тошкент областидаги сайлов округларида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги кўриб чиқилди, бу ерда сайлов кампанияси сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ ўтаётганлиги таъкидланди. Рўйхатга олиш якунларига кўра, 58 сайлов округидан 105 номзод овозга қўйилади. Ишлаб чиқилган графикка кўра, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан сайловолди учрашувлари бошланди.

Айни вақтда халқ депутатлари бир қанча шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларида сайловолди ташвиқот ишларини ўтказишнинг аниқ-равшан режаси йўқлиги, номзодларнинг ана шу давр учун мувофиқлаштирилган ҳаракат тартиби белгиланмаганлиги айтиб ўтилди. Бу одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш ишлари суст бормоқда. Айрим сайлов участкаларида вивескалар, кўрсаткичлар йўқ, иш режими белгилаб қўйилмаган, навбатчилик уюштирилмаган. Гражданларнинг аризалари, жойларда ўтказилган текширишлар шундан далолат бериб турибдики, айрим округ сайлов комиссиялари халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олишда Қонуннинг бузилишига йўл қўйганлар, бу эса Марказий сайлов комиссиясининг аралашишини талаб қилди. Округ сайлов комиссияларига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига овоз бериш кунида аниқ-пухта ишлашни таъминлашга алоҳида эътибор бериб, барча сайловолди тадбирларини юксак даражада ўтказиш учун қўшимча тадбирлар кўриш тавсия қилинди.

Шаҳрисабз участка сайлов комиссияларининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига тайёргарликка доир ишлари ҳам муҳокама қилинди. Шаҳарда 17 та сайлов участкаси тузилган. Участка комиссиялари таркибига 245 киши кирди. Барча комиссиялар ихтиёрида бинолар, алоқа воситалари, зарур жиҳозлар ва адабиётлар бор. Шаҳар Совети ижроия комитети округ сайлов комиссиялари билан биргаликда уларга аниқ амалий ёрдам бермоқда. Айни вақтда Марказий сайлов комиссияси шуни таъкидладики, ижроия комитет ва округ комиссиялари етарлича ишламаётгани оқибатида айрим участка комиссияларида иш режаси йўқ, комиссиялар аъзолари ўртасида вазифалар тақсимлаб олинмаган, сайловга қандай тайёргарликнинг боришини кўриб чиқиш учун мажлислар мунтазам ўтказилмаяпти.

Марказий сайлов комиссияси барча округ сайлов комиссияларига республикадаги маҳаллий Советларнинг тегишли ижроия комитетлари билан биргаликда участка комиссиялари ишини кучайтириш, уларни ўз вақтида зарур жиҳозлар ва материаллар, бюллетенлар ва сайлов варақалари билан таъминлаш, уларнинг сарфи ва ҳисоб-китоби устидан қатъий назоратни ташкил этиш учун чоралар кўришни тавсия этди. Участка комиссияларига қонунда белгилаб қўйилган муддатларда барча танишиб чиқиши учун сайловчилар рўйхатини илиб қўйиш, янги қонун талабларини ҳисобга олиб овоз бериш тартиби тўғрисида тушунтириш ишини кучайтириш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олишнинг якунлари кўриб чиқилди. Шу масала хусусидаги хабар матбуотда эълон қилинади. Комиссия аъзолари республика халқ депутатлигига номзодлар орасида ишчилар, колхозчилар етарли эмаслигини, хотин-қизлар ва ёшлар камлигини таъкидладилар.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «1990 йил 18 февраль куни сайловга сайловчиларнинг келиши ҳақидаги маълумотларни ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳамда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловида овоз бериш натижаларини йиғиш ва ишлаб чиқиш тартиби тўғрисида кўрсатмали хати матнини тасдиқлади. Гражданларнинг республика халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масалаларига оид бир қанча ариза ва шикоятлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Беккулбекова қатнашдилар.

КОМСОМОЛЛАР АНЖУМАНИ

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг XXVI комсомол конференциясида ҳозир армия комсомолини ҳаяжонга солиб турган кўпдан-кўп муаммолар хусусида батафсил гаплашиб олинди. Бу анжуман 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Бўлим бошлиғи — округ сиёсий бошқармаси бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси капитан М. В. Смисловнинг «СССР Қуролли Кучларига партиянинг ҳозирги талаблари асосида армия ёшларини ғоявий-сиёсий, ҳарбий ва маънавий тарбиялашда округ ВЛКСМ ташкилотларининг обрўси, фаоллиги ва жанговарлигининг аҳволи ҳамда уларни янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги докладида, делегатларнинг нутқларида қўшинларда комсомол ишларини такомиллаштириш юзасидан анчагина амалий таклифлар айтилди.

Конференцияда округ комсомол ташкилотлари кенгаши тузилди, унинг таркибига энг фаол жангчилар кирди.

Конференция иштирокчилари ВЛКСМ XXI съездига делегатлар сайлашди.

Комсомол конференцияси ишида Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко, ҳарбий кенгаш аъзоси — округ сиёсий бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаров, КПСС Марказий комитетининг масъул ходими А. Н. Салтиков, партия ва совет органлари вакиллари, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон комсомолининг намояндалари иштирок этдилар.

Комсомол конференциясининг делегатлари В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар. Тошкент шаҳридаги болалар уйларига бориб, болаларга совғалар топширишди.

(ЎзТАГ).

Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлайлик

26 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги коллегиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон ССР Прокуратураси, республика Юстиция министрлиги, Олий суди масъул ходимлари қатнашдилар.

Ўтган йилдаги жиноятчиликка қарши кураш якунлари чиқарилди, республикада ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўллари белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов қатнашди.

(ЎзТАГ).

АҚЛ-ИДРОК ҒАЛАБА ҚИЛИШИ КЕРАК

Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари маданий меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуманга тўпланган Ўзбекистон олимлари — тарихчилар, шарқшунослар, археологлар, файласуфлар, филологлар, санъатшунослар Озарбайжон ва Арманистондаги ўз ҳамкасбларига, олимлар ва ижодкор зиёлиларга мурожаатнома қабул қилдилар.

Биз сизларни кўхна Кавказорти диёрида асрлар мобайнида тинч яшаб, унинг иқтисодий, маданий имкониятларини кўпайтирган ҳамда жаҳон цивилизацияси, фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган икки халқнинг ўзаро бирдаликдаги урушига қарши ўзингизнинг адолатли овозингизни кўтаришга чақирамиз, дейилади мурожаатномада.

Илмий ва ижодкор зиёлилар — ҳар бир миллат маънавий бойлиги ва ақл-заковатининг соҳибларидир ва бу ақл-заковат ҳатто энг мураккаб муаммоларни тинч йўл билан, қон тўкмасдан бартараф этишга йўналтирилмоғи даркор. Бошқа йўл йўқ.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши:

қайта қуриш

ОШКОРА МУЛОҚОТ

«Очиқ хатлар куни»дан қайдлар

Белгиланган вақт бўлди. Совхоз партия ташкилоти секретари С. Мадиев залга кўз югуртирди. Орқа ўриндиқларда бўш жойлар бор эди.

— Ҳали ҳамма етиб келмади, — изоҳ берди у хижолатомуз.

— Ҳамманинг келиши шарт эмас, — унинг жонига оро кирди район партия комитети биринчи секретари Т. Тошпўлатов. — Иши борларгина келишади бу ерга. Одамларни зўрма-зўраки олиб келишнинг нима ҳожати бор.

Бу кўпчиликнинг кўнглидаги гап эди. Ортиқча кутилмай, мулоқот бошланди.

Т. Тошпўлатов йиғилиш бошида «Очиқ хатлар куни» ва уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ҳақида икки оғиз гапирди.

— Биз бугун бу ерга сизларнинг фикрларингизни билгани келдик, — деди у. — Исталган масала бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларингизни айтишингиз, саволлар беришингиз мумкин. Биз жойлардаги ҳақиқий аҳволни билишимиз лозим. Менимча, келгусида ишни шунга қараб олиб борсак, ёмон бўлмасди. Марҳамат...

Сўз навбати аввало, бу ерга тўпланган хўжалик аъзоларига берилди. Бир қанча район ва совхоз партия, совет ташкилотлари, маъмурий органларнинг раҳбарлари уларнинг саволларига жавоб беришга ҳозир эди.

Ж. УСМОНОВ, совхоз ишчиси: — Кўп одамлар шахсий уй-жой қуриш учун томорқа ололмай овора бўлиб юрибди Шу масала қачон ҳал бўлади?

Ш. БЕККЕЛДИЕВ, совхоз директори: — Қўшимча битта посёлка ташкил этиш учун рухсат сўраганмиз. Ҳозир бош лойиҳа тузилаяпти. Ҳовли-жойга муҳтож кишиларнинг кўпчилигига ўша жойдан ер берамиз.

Т. ТОШПЎЛАТОВ: — Томорқа муаммосини иложи борича тезроқ ҳал этиш зарур. Бунга ҳеч ким монелик қилмайди, албатта. Лекин бу борада пала-партишликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бутун иш лойиҳа асосида олиб борилиши лозим. Эртага янги иморатларни электр энергияси, водопровод, газ билан ҳам таъминлаш керак.

Қ. ХЎЖАЕВ, бригада бошлиғи: — Биз яшаётган Истара қишлоғида болалар боғчаси йўқ.

Т. ҚОДИРОВ, Фрунзе қишлоқ Совети раиси: — Тўғри, шу қишлоқдаги маданий-маиший шароитлар талабга жавоб бермайди. Болалар боғчаси қуриш мақсадида тегишли ҳужжатлар тайёрланган. Лекин ҳозирча уни планга киритишнинг имкони бўлмаяпти. 7-механизациялашган кўчма колонна (бошлиғи Ўтаев) қурувчилари ичимлик суви учун қувурлар ётқиза бошлашган эди. Аммо ишни негадир чала ташлаб кетишди. Совхознинг қурилиш бригадаси кучи билан медпункт ва магазин бунёд этилди. Бироқ уларга электр ўтказиш муаммо бўлиб турибди. Ёнғин хавфсизлигини сақлаш жамияти рухсат бермаяпти.

Н. ТЎРАЕВА, совхоз врачлик амбулаторияси мудири: — Совхоз магазинларида болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ. У ерда болалар бўлими ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Мабодо зарурат бўлса, барча уни қўл кўтариб тасдиқлашга ҳозир эди.

Йиғилиш давом этар, сўз-сўзга уланарди.

О. МУЛКАМОЛОВА, совхоз биолабораторияси ходими: — Бизда спорт иншоотлари хароб аҳволда. Улар қачон тартибга келтирилади?

Т. ТОШПЎЛАТОВ: — Бундай ишларни хашар йўли билан амалга оширса ҳам бўлади-ку, ахир! Юқоридан ёрдам кутиб, қўл қовуштириб ўтириш шартми?

Ш. ЎТАГАНОВ, механизациялашган бригада бошлиғи: — Бизнинг қишлоғимизда 70—80 хўжалик истиқомат қилади. Ана шундай катта аҳоли пунктининг атиги уч жойида водопровод крани бор, холос. Улардан ҳам жилдираб сув оқади. Йўлимиз чанг, болалар боғчаси йўқ. Ўқувчилар тахминан уч километр узоқдаги мактабга пиёда қатнайди.

Яқдил фикр: Болаларни мактабга ташиш учун транспорт ажратиш зарур. Қишлоқдаги бошқа муаммолар ҳақида ўйлаб кўришга, амалий тадбирлар белгилашга тўғри келади.

А. ЗИЁДУЛЛАЕВ, совхоз ишчиси: — Хўжалигимизда кичикроқ бир шифохона очишнинг иложи йўқмикан?

Х. РАҲМОНОВ, район бирлашган касалхонаси бош врачи: — Қўшни У. Юсупов номли совхозда 60 ўринли шифохона бор. Лекин ҳозир у ерда атиги 18 бемор ётибди, холос. Ўша ерда бемалол даволаниш мумкин. Шу боисдан сизларнинг Н. Муродов номли совхозингизда касалхона очишга зарурат йўқ.

Учрашувда яна бир неча киши сўзга чиқди. Улар ўзларини тўлқинлантираётган муаммолар хусусида тортинмай, дадил гапиришди. Бу одамларнинг фаоллиги ошганидан ва уларда мавжуд камчиликларни тузатишга умид пайдо бўлганидан далолат беради.

— Бугун кўтарилган муаммоларнинг кўпи социал соҳага тааллуқли, — деди райкомнинг биринчи секретари Т. Тошпўлатов йиғилишни якунлар экан. — Уларнинг барчасини бир кунда ҳал қилиб бўлмайди. Бироқ район ҳамда совхоз партия, совет, хўжалик органлари бу масалалар билан янада жиддий шуғулланишлари зарур. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳаётимиз кўркам бўлишини хоҳлар эканмиз, бунинг учун аввало ҳар биримиз ўз жойимизда сидқидилдан меҳнат қилайлик, ташаббускор бўлайлик, ўшанда ишлар юришиб кетади...

Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхозда ўтказилган «Очиқ хатлар куни» ана шундай жонли, амалий ўтди. Кейинги пайтда районнинг хўжалик, корхона ва ташкилотларида район партия комитети ташаббуси билан ана шундай жонли мулоқотлар мунтазам равишда ўтказиб бориляпти. Шунингдек, одамлар билан юзма-юз фикр алмашинувнинг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланилмоқда. Қабул кунлари ва савол-жавоб кечалари ана шулар жумласидандир.

Бундай мулоқотлар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳар бири ҳисобга олиниб, пухта ўрганилмоқда. Уларни ҳал этиш мутасадди раҳбарлар зиммасига юклатиляпти ва ижроси қаттиқ назорат остига олинаётир.

— Ўтказиладиган ҳар бир тадбирни халққа янада яқинлаштириш тўғрисида ўйлаяпмиз, — дейди район партия комитетининг умумий бўлими мудири М. Жўраева. — Масалан, жойларда «Очиқ хатлар куни» арафасида саволлар учун махсус қутилар қўйиш одат тусига кирганди. Биз бундай услубдан воз кечмоқдамиз. Ахир, одамлар истаган саволларини учрашувлар чоғида юзма-юз туриб бемалол айтишлари мумкинку?! Зеро ҳозир ошкоралик ва демократия даври. Шундай экан, ортиқча дабдаба ва қоғозбозликка не ҳожат? Яна бир мулоҳаза: хўш, бундай тадбирлар чойхона ва бозорларда ҳам ўтказилса қандай бўларкин? Ҳозир биз ана шундай тадбирни ўтказиш тўғрисида ҳам ўйлаяпмиз.

Бинобарин, ҳар бир партия ташкилоти учун одамлар билан доимий алоқа ўрнатиш, ҳамиша омма орасида бўлиш, унинг дарди, талаб ва истакларини билиш, уларни рўёбга чиқариш ҳаётий заруратга айланмоқда. Шундай экан, бу борада турли хил иш усулларидан фойдаланиш, уларни тинмай такомиллаштириб бориш партия комитетларининг энг муҳим вазифасидир.

Қ. ЖЎРАНАЗАРОВ.

Кадрлар ўқуви

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон касаба союзлари республика ва область Советлари секретарлари, касаба союзлари республика ва область тармоқ комитетлари раисларининг курс ўқуви якунланди.

Социализм қурилиши ленинча концепцияси назарий жиҳатларини, қайта қуришни чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган янги қоидалар ва хулосаларни ўрганиш, КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди, ВЦСПСнинг олтинчи пленуми қарорлари асосида туб сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг долзарб масалалари тингловчиларнинг диққат марказида бўлди.

Касаба союзларининг жамият ҳаёти барча жиҳатларини қайта қуришдаги ўрни ва роли масалалари, КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати масалалари батафсил кўриб чиқилди. Меҳнат интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш йўллари, хўжасизлик ва бошқа салбий ҳодисаларни бартараф этиш, касаба союзлари аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш йўллари, кадрларни ғоявий-сиёсий ва маънавий тарбиялашнинг долзарб масалалари, бу ишда бошланғич касаба союз ташкилотларининг мавқеи ва масъулиятини ошириш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш, меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилаш, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида ишчи назоратини кучайтириш масалалари таҳлил қилинди.

«Давра столи» атрофидаги учрашувлар ва суҳбатларда қайта қуриш шароитида партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари алоқаларини кучайтиришнинг, Олий Совет ва маҳаллий Советлар халқ депутатлари сайлови кампаниясига тайёргарлик ва уни ўтказишнинг долзарб масалалари, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленумида ишлаб чиқилган КПССнинг ҳаракат дастури негизида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш муаммолари, касаба союзларининг ҳуқуқий негизларини яхшилаш, қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш, региондаги экологик вазиятни соғломлаштириш вазифалари ҳар жиҳатдан муҳокама қилинди.

Гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтказилган суҳбатларда М. С. Горбачевнинг «Социалистик ғоя ва инқилобий қайта қуриш» мақоласида баён этилган сиёсий хулосалар ва назарий қоидалар, касаба союзлари фаолиятини такомиллаштиришнинг амалий масалалари муҳокама қилинди. Касаба союз ишини қайта қуриш, меҳнат коллективларида қулай ижтимоий-руҳий муҳитни вужудга келтириш хусусида тажриба баҳам кўрилди.

Сайёр амалий машғулотларда тингловчилар Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, 3-автокомбинат, касаба союз ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети ходимлари касаба союзи республика комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети, шунингдек область бинокорлари касаба союзи комитети иш тажрибаси билан батафсил танишдилар. Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида тингловчилар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдаги чиқитсиз технология тажрибаси билан танишдилар.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. А. Алимова, Тожикистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. Солиҳов, Туркманистон касаба союзлари республика Советининг раиси А. А. Аннамуҳамедов, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси Б. Ф. Сатин, ВЦСПС ташкилий бўлимининг мудири ва президиуми аъзоси В. Т. Иванов, ВЦСПС илмий маркази бўлимининг мудири, фалсафа фанлари доктори профессор Г. П. Алексеев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республикадаги айрим министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Тошкент олий партия мактаби, Тошкентдаги бошқа бир қанча олий ўқув юртларининг етакчи профессор ўқитувчилари сўзга чиқдилар.

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

МЕҲР КЎЗДА, ДЕЙДИЛАР

Номзод билан суҳбат

Ҳузуримизда ўрта ёшларда, бўйи-басти ўзига яраша, кўринишидан қатъиятли бокира аёл ўтирибди. У Каромат Ҳайитова эди.

— Республикамиз халқ депутатлигига номзодингиз кўрсатилибди...

— Ҳа, бир-икки жойда сўзга ҳам чиқдим. Аввалига турли мулоҳазаларга ҳам бордим. Мабодо депутат бўлсам, халқимиз ишончини оқлай олармиканман. Ахир, ҳозир давр бошқа, талаб бошқа. Депутатнинг зиммасига тушадиган юк бор, бу юкни кўтара олармиканман, деб ўйладим. Ўзимнинг қобилиятим ва депутатлик фаолиятимни тарозига ҳам солиб кўрдим. Икки марта район Советига депутат бўлганман, область партия комитетининг аъзолигига ҳам сайланганман. Район Советининг депутати сифатида сайловчиларнинг наказларини бажариб ҳам келдим. Шундан сўнг, розиман, дейишга журъат этдим.

— Кароматхон, сиз чўлга қандай қилиб келиб қолгансиз? Ўз ҳаёт йўлингизни гапириб берсангиз?

— Мен асли Қирғизистоннинг Лайлак райониданман. 1947 йилда колхозчи оиласида туғилганман. Етти фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим Абдуҳаким Ҳайитов ўзим билан бирга ишлайди. Биз чўлга, шу Янгиер районидаги Турғун Аҳмедов номли совхозга 1980 йилда келганмиз. Совхоз қолоқ, ночор эди. Биринчи кунлари турар жойимизнинг тайини ҳам бўлмади. Эртанги кунга ишонч билан иш бошладик. 40 гектар ер олиб бригадирлик қилдим. Биринчи йили гектар бошига пландаги 21 центнер ўрнига 31 центнер пахта ҳосили олдик. Даромад яхши бўлди. «Кароматга унумдор ер тушган эди» деб пичинг қилганлар ҳам бўлди. Кейинги йили ўта шўр ерни қўшиб олдик. План 17 центнер эди, 19 центнер қилиб бажардик. Яхши ишласангу яхши даромад олмасанг, бундан ёмони йўқ. Яхши даромад олганимиз туфайли бригадамизга қизиқувчилар, ишга келувчилар кўпайиб қолишди. Бригадамиз йил сайин кенгайиб борди. 1988 йилда 127 гектар майдонда пахта етиштирдик. План гектар бошига 18 центнер эди, 23 центнер қилиб бажардик. Бригадамиз бўйича 59 минг сўм қўшимча даромад олдик. 1 сўмига 2 сўм 20 тийин ҳақ берилди. Ўтган йили эса бригадамиз участкага айлантирилди. Унга 462 гектар ер берилди. Бу ернинг 306 гектарига чигит экдик, 88 гектарига беда, қолганига ғалла. Пахта 104, беда 110 фоиз қилиб бажарилди. Ғалладан ҳам юқори ҳосил олдик.

— Пахтадан олинган даромаддан кўнглингиз тўлдими?

— Даромадимиз ўтган йилга қараганда сал камроқ. Нега десангиз, бу йил биз бир килограмм пахтани ҳам биринчи сортга топшира олмадик.

— Сабаби?

— Пахтанинг харид нархи оширилганидан жуда қувонгандик. Аммо сортга келганда ютқаздик. Совхоз бўйича теримнинг биринчи куни 55 тонна пахта биринчи сортга топширилди. Шундан сўнг заводдан тайёрлов пунктига мутахассислар келиб «сорт аниқлайдиган аппарат бузуқ» деб аппаратнинг у ёқ-бу ёғини созлаб кетишди. Шу-шу бу аппарат терим тамом бўлгунча биринчи сортни кўрсатмади. Билмай қолдик, ким кимни алдади. Ҳозиргача бу нарса бизга қоронғу.

— Яна қандай муаммолар бор?

— Муаммолар жуда кўп. Бу муаммоларнинг ечими асосан ўзимизга боғлиқ, албатта. Кўпчилигини қўлимиздан келганича ҳал қилдик. Лекин қўлимиздан келмайдиганлари ҳам талайгина. Совхозимиз ўта шўр ерда ташкил топган. Аввало, шуни айтиш керакки, ер ўзлаштирилмай топширилган, нотекис ерлар жуда кўп. Бу ерларни қайта ўзлаштириш лозим. Бир ўйлаб кўринг, шу совхозда 40 центнер ҳосил берадиган ер ҳам бор. 10 центнер ҳосилни зўрға берадиган ер ҳам бор. Масалан, 11 участкадаги карталар ҳовуз шаклида, сув тараб бўлмайди. 700 гектар ер ўта шўр. Қўшимча зовур қазимаса бўлмайди. Область партия комитетининг аъзоси сифатида бу масалани бир неча марта кўтариб чиқдим. Натижа айтарли бўлмаяпти. 3-4 та картамизни тартибга келтирдилар, холос. Дренажларнинг 70 фоизи яхши ишламайди. Планлаштириш масаласи ҳам одамни ўйлантириб қўяди. Қўшни совхозлар ерларидан бизнинг совхозимиз ерларининг асло фарқи йўқ. Ерлар туташ, бир каналдан сув оламиз. Лекин уларда, масалан, Охунбобоев номли, Ғанишер Юнусов номли совхозларда пахта ҳосилдорлиги 15—13 центнер қилиб планлаштирилган, бизда эса 21 центнер.

— Планни камайтириб берсанглар, деб масала кўтармоқчимисиз.

— Асло. Ернинг умрини бекорга ўтказмаслик керак демоқчиман. Шундай ерлар борки, уларга бошқа ерларга қараганда 2—3 баробар кўп меҳнат сарф қилинади, олинадиган ҳосил эса 2—3 баробар кам. У ерларда меҳнатнинг сира рўёбга чиқмайди. Бу ерларни юз фоиз қайта ўзлаштириш керак. Совхознинг ўзи буни ҳал қилиши қийин. Биз планлаштириш пастдан бошланиши керак, деб баралла айтяпмиз, бонг уряпмиз. Ҳаммаси қуруқ гап бўлиб қоляпти. Ҳозир ҳам планлаштириш юқоридан бўляпти.

— Агар сиз депутат бўлиб қолсангиз, бу масалаларни ҳукумат олдига қўярмидингиз?

— Албатта. Яна бошқа масалалар ҳам бор. Ерни капитал қайта текислаш, ичимлик сув муаммоси. Бизда-ку бу масала сал эпақага келган, сув соати билан берилади, қўшни совхозларимизда ҳали ҳам сув машиналарда ташиб келтирилади. Яна муҳим масала уй-жой муаммоси... Мен район Совети депутати сифатида бу борадаги наказларимни асосан бажардим. 20 та коттеж, 12 квартирали уй қурилди. Уй билан таъминланиш 70 фоизни ташкил қилади. Совхозимиз кейинги тўрт-беш йил ичида қаддини анча ростлади, ишчилар мўмай даромад оляптилар. Шундан бўлса керак бу ерга ишга келувчилар кўпайяпти, ҳеч ким бу ердан кўчиб кетишни хоҳламайди. Посёлкамиз обод бўляпти. Табиий газ бор. Совхоз вақтида иш ҳақингни бериб туради. Ҳар йили 150—200 бола туғиляпти. 1990 йилда болалар боғчаси, янги мактаб қурилиши планга киритилди. Уй-жой қурилиши бундан кейин муаммо бўлмаслиги учун чоралар кўриляпти. Одамларга шахсий участка ва томорқалар бериляпти.

Бу яхши. Лекин қурилиш материалларига келганда муҳтожлик ҳамон ўша-ўша, ўзгариш бўлмаяпти. Биз доим эртанги кунга қарашимиз керак. Ўсиб келаётган ёшларни иш билан таъминлашни ҳозирдан ўйлашимиз керак. Оилавий ва бригада пудратлари борабора ишсизларни кўпайтиради. Шунинг учун фабрика ва завод филиалларини очиш керак. Кейин аёллар меҳнатини енгиллаштириш йўлларини ҳам қидиришимиз лозим. Бу катта муаммо.

— Мана, Сиз аёлсиз. Етти фарзандингнинг онасисиз, совхозда эса катта участканинг бошлиғисиз, бу вазифаларни бажариш оғир бўлмаяптими?

— Оғир бўлмаяпти. Турмуш ўртоғим, болаларим менга ёрдам беришади. Улар далада ҳам, уйда ҳам ёрдамчим. Болаларим уйларни вақтида шипириб-сидириб, вақтида овқат қилишади.

— Уйингизда сигир борми?

— Ҳа, бор.

— Ким соғади?

— Қизларим соғар эди, уларни турмушга чиқариб юбордим. Ҳозир ўғил болаларим соғади мен улгуролмасам.

— Меҳр—кўзда, дейдилар. Қон-қариндошларнинг ҳолларидан хабар олиш, тўй-маъракаларга боришга улгурасизми?

— Албатта, борамиз. Бизнинг участкада ҳамма ўз вазифасини яхши билади. Инъомжон Мамасидов деган ёрдамчим бор, унга ишонаман. Тагимизда шахсий машинамиз бор. Оладиган даромадимиз ҳам ёмон эмас. Бултур оиламиз билан 15 минг сўм қўшимча ҳақ олдик. Орзу-ҳавасга ҳам етади. Участкамиз ишчилари ҳам аҳил. Бир-бирларимизнинг аҳволимиздан хабар олиб турамиз. Яхшилигимизда ҳам, оғир кунимизда ҳам бир-биримизга кўмакдошмиз. Бусиз мумкин эмас. Саволингиз тугаганга ўхшайди, шундайми? Энди мен ҳам бир савол берсам бўладими?

— Марҳамат.

— Мана, сиз менинг ҳаётим, меҳнат фаолиятим билан озми-кўпми танишдингиз. Сиз шахсан менинг номзодлигимга овоз берган бўлармидингиз?

— Сўзсиз, Сиздай жонкуяр коммунист, меҳнаткаш аёллар билан биз фахрланамиз.

Суҳбатни Т. ЖАМОЛОВ ёзиб олди.

ИБРАТ

Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан ҳаракат дастуридаги қоида ва хулосалар Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг меҳнат кўтаринкилигини янада ошириб юборди. Комбинат корхоналарида бу ҳаракат дастурига амалий иш билан жавоб бериш учун бутун куч ва имкониятдан самарали фойдаланилмоқда.

— Ҳаракат дастурида меҳнат коллективларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш алоҳида қайд қилиб ўтилган, — дейди илғор ишчи Роза Аюпова. — Ҳамкасбларимиз шу вазифани бажариш учун иш вақтидан унумли фойдаланмоқдалар. Тайёрланаётган маҳсулот сифатига эътиборни янада кучайтирдик. Чунки, корхонамизда тайёрланган турли-туман иплар газлама тўқилишига таъсир кўрсатади. 1990 йилда ҳам янада жонбозлик кўрсатиб ишламоқдамиз. Ҳар биримиз кунлик топшириқни маромига етказиб бажариш билан бирга белгиланган режадан ўзиб кетишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Суратда: илғор ишчи Р. Аюпова. У ўтган йилги мусобақа натижаларига кўра ипйигирув фабрикасида биринчи ўринни олди.

Р. ШАРИПОВ сурати.

ҲИСОБ ОЧИЛДИ

Шу кунгача Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳарбий хизматчилари оила аъзоларидан ўттиз мингдан ортиқ киши Озарбайжон ССРдан бошқа жойларга кўчирилди. СССР ҳукумати уларга шошилинч моддий ёрдам бериш тадбирларини кўрмоқда.

Шу билан бирга ҳарбий хизматчилар, айрим гражданлар ва ташкилотлардан Озарбайжон ССРдан мажбуран жўнаб кетган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ёрдам фонди ташкил этиш тўғрисида таклифлар тушмоқда. СССР Мудофаа министрлиги матбуот марказида маълум қилишларича ҳарбий қисмлар, ташкилотлар, корхоналар ва айрим гражданлардан тушаётган маблағлар СССР Мудофаа министрлиги Марказий молия бошқармасининг СССР Давлат банки СССР давлат бюджети касса ижроси бошқармасидаги 140274-жорий счётига ўтказилмоқда.

СССР территориясида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳарбий хизматчиларининг Озарбайжон ССРдан кўчирилган оилаларига ёрдам фондига маблағларни СССР давлат банкининг барча муассасалари қабул қилмоқда.

(ТАСС).

ҲАДИК

Сув, бу — ҳаёт. Ҳозирги кунда унинг ҳар томчисини эҳтиёт қилиш, тежаб-тергаб фойдаланиш республикамизда яшовчи ҳар бир кишининг гражданлик бурчи. Чунки ўлкамизда сув ресурслари камайиб бораётганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон шароитида суғорма деҳқончилик республика аҳолисининг асосий қисмини боқаётган бош манбалардан биридир. Шу сабабли ерларнинг ҳосилдорлиги ва унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан оқилона фойдаланиш ўлкамизни ривожлантириш истиқбол программасининг таркибий қисмидир, дейилади Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида.

Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари

Айни пайтда бу мақсад учун суғоришнинг илғор усуллари, сувни тежайдиган технологияларни, жумладан, сувни бир меъёрида тақсимловчи автомат ускуналари, масофадан туриб бошқариш қурилмаларини жорий этиш талаб этилади.

Хўш, бу соҳада фаолият кўрсатаётган «Узводприборавтоматика» ишлаб чиқариш конструкторлик-техника бюросида қандай ишлар амалга оширилмоқда? 1990 йилда коллектив олдида турган вазифалар нималардан иборат?

Иттифоқ сув хўжалигида ягона ҳисобланган бу корхона маҳсулотлари халқаро кўргазма ва ярмаркаларда бир неча бор мукофотлангани бежиз эмас. Улар яратган қурилмалар фақат республикамиздагина эмас, балки РСФСР, Украина, Белоруссия мелиораторларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ларнинг ҳаммаси корхона коллективининг гидромелиорация системасини автоматлаштириш ва сувдан оқилона фойдаланиш борасида бой тажрибага эга эканлигидан далолат бериб турибди. Ҳозирги кунда корхонада сув хўжалиги учун зарур турли асбоблар, телемеханика системалари, сув сатҳини ўлчовчи автоматик ускуналар тайёрланяпти. Бироқ ишлаб чиқарилган бу маҳсулот билан ҳатто Ўзбекистон мелиораторларининг ҳам талабини қондириб бўлмайди. Чунки қурилмалар сарф-харажатлар катталиги туфайли кам нусхада чиқарилмоқда.

Мазкур корхона бундан бир неча йил илгари сув хўжалиги эҳтиёжлари учун замонавий техника асосида автоматик комплекслар ишлаб чиқаришга мўлжалланиб ташкил қилинган эди. Дастлабки йиллари маҳсулот тури ва сони унчалик кўп эмасди. Шунинг учун берилган план-топшириқлар ошириб бажариларди. Йиллар ўтиши билан эса янги қурилмаларнинг техник даражасини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш қийинлашиб борди. Бунинг асосий сабабларидан бири асбобсозлик базаси имкониятларининг чекланганлиги бўлди. Корхонадаги ускуналарни алмаштириш имкони бўлмаганлиги туфайли уларнинг учдан бир қисми эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бунинг натижасида эса юқори аниқликдаги қурилмалар ясаш кечикмоқда.

— Баъзан биз жуда оғир вазиятга тушиб қолмоқдамиз, — дейди «Узводприборавтоматика» ишлаб чиқариш конструкторлик-техника бюроси директори Н. П. Ким. — Конструкторларимизнинг янги ихтироларини ишлаб чиқарувчилар жорий қилишга қийналишяпти. Негаки, айрим участкалардаги ибтидоий технология ихтисўм бўлган «КТМ—22.01» типидаги телемеханика комплекси бир минг сўм зиёнига сотилмоқда. Тўғриси, комплексларга сарфланган харажат бошқа маҳсулотлар ҳисобига қопланяпти. Бу эса хўжалик ҳисобида иш юритаётган коллектив учун иқтисодий қийинчиликлар туғдирмоқда. Айрим қурилмалар шу қадар фойдасиз бўлиб қолганлигидан уларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган. Аслида техник баҳоси Иттифоқда юқори бўлган бундай ускуналар корхона умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 40 фоизини ташкил қилади. Афсуски, мазкур технологик лангина чекланиб қолаверди.

Корхона ишлаб чиқариши шу қадар ихтисослашганлигидан унинг муаммоларини маълум вақт ўз қўл остига олган «Узирмаш» ҳам, «Узводреммаш» бирлашмаси ҳам ҳал қилиб бера олмади. Кейин конструкторлик-техника бюроси «Узводстройэксплуатация»га, ундан «Узводспецмонтажналадка» қарамоғига ўтди. Улар ҳам бошқаришни эплай олмай, доғда қолишди.

— Эндиликда ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш пайти келди, — дейди директор Нильс Петрович. — Еки бюджет ҳисобидаги конструкторлик ташкилотини тузиш ёҳуд «Узводприборавтоматика»ни саноат корхонаси билан бирлаштириш лозим. Масалан, Тошкент тажриба заводи билан бирлашиш мумкин. Илгари бу корхона республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига қарашли бўлиб, ирригация асбобсозлиги билан шуғулланар эди. Ҳозир завод асосий технологик йўналиш потенциали даражасида ишлолмаяпти. Биз корхона билан бирикиш ҳақида шартнома тузиб қўйганмиз. Тармоқдаги яккалаб қўйиш одати ҳали ҳам сақланиб қолганлиги туфайли бу йўлдаги ҳар бир қадамимиз тўсиқларга дуч келяпти.

Очиғи, 1988 йилда мақсадга эришишга оз қолганди. Ўша пайтда республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети бирлаштириб юборилди. Лекин тармоқдаги бундай қайта тузиш бошланган хайрли ишни тўхтатиб қўйди. Энди эса шуни янгитдан бошлашга киришдик.

Умуман, республика халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган сув хўжалиги бугунги кунда қатор қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Мелиораторлар олдида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали анчагина. Афсуски, кейинги йилларда тармоқда хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, 1988 йилда ташкил этилган республика Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетининг фаолияти тармоқ талабига жавоб беролмади. Натижада бир йил ўтар-ўтмас комитет Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига айлантирилди. Албатта, бу бошқарувни такомиллаштириш йўлидаги изланишдир. Лекин бундай ўзгариш «Узводприборавтоматика» ишлаб чиқариш конструкторлик-техника бюроси коллективида, яна тармоқ идоралари ўртасида қаровсиз қолиб кетмасмиканмиз, деган асосли ҳадик туғдирмоқда.

И. ЛЮБОВСКИЙ,
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ходими.

Табиийликни асраб қолайлик

Она диёримиз азалдан ўзининг ширин-шакар мевалари, ноз-неъматлари билан донг чиқарган. Бироқ кейинги йилларда минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиш, зарарли химиявий моддаларни меъёридан ортиқ қўлланиш натижасида меваларимизнинг таъми бузилиб, сифати ёмонлашмоқда.

Қишлоқда яшаганлигим туфайли дориланган ва дориланмаган мевали дарахтларни кузатиб бораман. Айзобод қишлоғида 4 гектар, Женов қишлоғида 12 гектар олмазор бор. Бу боғлардаги олмалар ҳеч қачон дориланмайди. Минерал ўғитлар ҳам ишлатилмайди. Бундан жуда хурсандман. Зеро, ушбу олмазорлардаги мевалар ўзининг хуштаъмлиги билан ажралиб туради.

Калинин номли колхозда эса бунинг акси. Бу хўжаликдаги катта олмазор боғ дарахтлари ҳар йили дориланади. Минерал ўғит ҳам сепилади. Бир неча йилдан бери кузатиб бу боғдаги дарахтлар бир хилда касалланишини сездим.

Яқинда Қарши шаҳрининг колхоз бозорида Китоб районидан келиб, икки-уч хил олмани сотаётган бир мўйсафид билан меваларининг чиройли, тоза ва хуштаъмлиги ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Мен Усмон Юсупов районидаги олмазорларнинг аҳволи ҳақида сўзлаб бердим.

— Илгари олма қурти дарахтга ўрмалаб чиқмаслиги учун дарахт танасига эски қоп, похол каби нарсалар боғланарди. Ҳозир эса бу ишнинг энг осон ва тез битадиган йўлини топиб олишган. Яъни, дарахтлар устига заҳар сепишади, — деди отахон ачиниб.

Боғбонларимиз меваларни йиғиб олишда ҳам камчиликка йўл қўймоқдалар. Маълумки, қишки нав олма, беҳи, нок каби неъматларнинг кўпчилиги бизда октябрь ойида пишиб етилади. Қишки нав мевалар қанча кеч узилса, шунча хушбўй, мазали бўлади. Бироқ баъзи хўжаликлар ҳали пишиб етилмаган меваларни узиб давлатга топширадилар. Сифатсиз маҳсулот билан давлатни, халқни алдайдилар.

БУ ҲАММА УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

Масалан Ульянов номли, Калинин номли, «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхозларидаги қишки нав олмалар 1 сентябрдан 20 сентябргача хом ҳолда териб, давлатга топширилади. Икки йилдан бери эса улар трактор кузовларига аввал қишки нав олма теришиб, сўнгра устига ёзги олмани жойлаб қабул пунктларига жўнатишмоқда.

Қайта қуриш қизғин кетаётган кейинги йилларда саноат маҳсулотлари сифати бўйича давлат қабули жорий этиляпти. Бироқ район давлат кооператив саноати бирлашмасидаги ўртоқлар эса фақат план ва даромадни ўйлаш билан оворалар. Сифат улар учун иккинчи, ҳатто учинчи даражали масала бўлиб қолаётир.

Минерал ўғитлардан ҳам меъёри билан фойдаланиш лозим. Нормадан ортиқ солинган минерал ўғитлар ҳам, бошқа химикатлар ҳам ҳар томонлама зарар келтириши мактаб ўқувчисига ҳам аён. Тўғри, минерал ўғитлар нормадан ортиқ солинса дастлабки йилларда мўл ҳосил олинади. Кейинчалик эса ҳосилдорлик пасайиб, ер ишдан чиқади.

Ҳозирги пайтда бозор ва дўконлардан мева ва сабзавот маҳсулотлари харид қилаётганимизда маълум миқдорда заҳар ҳам сотиб олаётганимиз ҳеч кимга сир эмас. Бундан 20—30 йил муқаддам табиий тупроқда ўсган ширин-шакар қовунтарвузлар, хуштаъм меваларнинг, ҳозир йўқ ҳисоби. Минерал ўғитларга истаганча ишлатилгани эса ҳамма магазинларда қалашиб ётибди.

Ерда фойдали микроорганизмлар қирилмоқда. Минерал ўғитлардан, зарарли химикатлардан фойдаланмасдан туриб ҳам мевалардан мўл ҳосил етиштириш тажрибаларини оммалаштириш керак, деб ўйлайман. Усимлик зараркунандаларига қарши биологик, механика ва бошқа зарарсиз усуллар билан курашиш лозим.

Табиатнинг табиийлигини асрайлик. Тупроқ, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот оламини келажак авлодга табиий ҳолича топширишга ҳаракат қилайлик. Фақат бугунги кунни эмас, келажакни ҳам ўйлаш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Н. ТУРСУНОВ.

Ёрдамчи хўжалик—кони фойда!

ЭҲТИЁЖНИ ҚОПЛАБ

Хоразм область матлубот жамиятининг Шовот районлараро базаси ташкилотларида 200 га яқин киши меҳнат қилаётир. Улар ўзлари учун ёрдамчи хўжалик ташкил этишган. Амалда ёрдамчи хўжаликнинг кони фойда эканлиги синаляпти. Бу ерда 150 бош қорамол ва парранда боқилмоқда. Ойнавандли иссиқ хоналарда маҳсулотлар етиштириляпти. Тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпаймоқда.

Баракали меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқаришга алоҳида эътибор берилаётир. Кутубхона, медицина хоналари меҳнаткашлар хизматида. Спорт майдончаларида эса мунтазам машғулот олиб борилади.

Суратларда: 1. Маҳсулотлар намунаси намойиш этиладиган хонада. 2. Ҳаваскор спортчилар машғулот пайтида. 3. Ойнавандли иссиқхонада етиштирилаётган кўкатлар парвариш қилинаётир.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

• Касаба союзлари: инсон омили

ФАБРИКА ЁРДАМГА МУҲТОЖ

«Беш йилдан бери бўёқчи бўлиб ишлайман. Йиғув цехимизда ишчиларга йилига бир дона халат берилади, холос. Қўлқоп, докалар етишмайди. Ҳар хил бўёқлар билан ишлаймиз. Ҳозир қиш-қировли кунлари, цехимиз томидан чакка ўтиб ётибди».

Бу сатрларни «Узбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент мебель фабрикаси бўёқчиси Мўътабар Жўраева билан бўлган суҳбат пайтида ёзиб олдик. Дарҳақиқат, фабрикадаги ишчиларга маданий-маиший, социал шароит яратиш аҳволи қандай?

Пардозлаш цехини айланамиз. Бу ерга кирган кишининг димоғига гўп этиб лак ҳиди урилади. Қаршимизда пардозловчи Марина Макарова. У лак пуркагичлар билан ўзи жило берган стулларни кўздан кечирмоқда.

— Лак билан ишлар экансиз, нега респиратор кийиб олмадингиз? — сўраймиз ундан.

— Илож қанча. Респиратор йўқ эмас, бор. Бошлиқларимиз ҳам шуни талаб қилишмоқда. Аммо бизга ажратилган респираторлар жуда ноқулай. 10—15 минутдан сўнг нафас ололмай, бўғилиб қоламиз. Талабга жавоб бермайди. Соғлиғимизни йўқотсак ҳам респираторсиз ишлаш анча қулай.

Пардозлаш цехида стулларга лак пуркаш ишлари қўлда бажарилмоқда. Бунинг сабабини цех бошлиғи Максим Ким шундай изоҳлади:

— Аслида бу ишлар стулларни пардозловчи механизациялашган линия ёрдамида амалга оширилиши керак эди. Бизда шундай линия бор. Аммо ишламайди. Сабаби Львовдаги лак бўёқ заводи 251-маркали лак етказиб беришни тўхтатиб қўйди. Шу боисдан механизациялашган линия ишламай турибди. Натижада меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Ҳар сменада 800 ўрнига 500—600 дона стул бўялмоқда. Буюмлар сифати ҳам кўнгилдагидай эмас. Омборхона йўқлиги сабабли ишлаб чиқилган стуллар пардозлаш цехининг ўзида йиғиб қўйилмоқда. Бу эса бир маромда ишлаш учун қийинчиликлар туғдиряпти.

— Қаранг-а кун бўйи ишдамиз, магазинма-магазин юришга вақтнинг ўзи йўқ, — деди пардозловчи Рустам Абдужалилов суҳбатда. — Ишдан кеч чиқамиз. Аксига олиб қидирган нарсангни пештахтадан топишнинг иложи бўлмайди. Оила, бола-чақа уйга боргунимизда қўлимизга қараб туради. Корхона ичида ярим тайёр маҳсулотлар, сабзавот, мева билан савдо қиладиган дўконлар очилса менингча, жуда ҳам маъқул бўларди.

Ишчининг эътирозини фабрика касаба союз комитетининг раиси Ботир Саматовга етказдик:

— Мен янги йил арафасида Ленин, Ҳамза районлари ижроия комитетлари савдо ташкилотларига ишчиларимизга савдо хизмати кўрсатишни илтимос қилиб бордим, — деди у.— Аммо у ерда турли баҳоналар билан бу илтимосимизни қондиришмади. Фабрикамизда 541 киши меҳнат қилади. Хўш, савдо мутасаддилари ишчилар талабини қондиржаллаб қурилган бинода иш олиб боряпмиз. Шу сабабли бинони қиёмида иситишнинг иложи бўлмаяпти. Бунинг устига қувурлардаги сувнинг иссиқлиги 45—50 даражадан кўтарилмаётир. 12 январь куни Ҳамза район қозонхоналар бирлашган дирекциясига мурожаат қилдим. У ердагилар газ босими камлиги учун сувни яхши исита олмаётганлигини билдиришди. Нима қилиш керак, печка ёқайлик десак ўт ўчириш идораси қатъий ман этяпти. Ишни эса тўхтатиб бўлмайди, планни бажариш керак. Ахир, хўжалик ҳисобига ўтганмиз-да.

Бош инженер сўзининг охирида электр ва иссиқлик таъминотини яхшилаш борасида 1990 йилда 764 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари лойиҳалаштирилганлиги ва бу юмушлар шу йил амалга оширилишини таъкидлади.

Кўриниб турибдики, фабрика ишчиларига маданий-маиший, социал шароит яратиш борасида анчагина камчиликлар бор. Фабрика касаба союз комитети фаолияти ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Комитет ўтган йил давомида бирор марта ҳам ўз мажлисларида ишчиларга зарур шароит яратиш ҳақидаги масалани муҳокама қилгани йўқ. Ваҳолонки, кишиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ишлари ўлда-жўлда. Медицина профилакторийси, дам олиш зонаси ташкил этилмаган. Фабрика касаба союз комитети раҳбарлари ўз вазифаларини кишиларни моддий рағбатлантириш ва уларга ёрдам беришдан иборат деб тушунмоқдалар. Касаба союз комитети раиси Ботир Саматов сайлангани ga бир ойдан ўтган бўлса ҳам ҳали бирор тайинли иш қилганича йўқ. Гарчи у ҳар икки гаппнинг бирида «янгиликни» эслатса ҳам, бу унинг уқувсизлигини оқламайди. Чунки Б. Саматов фабрикада касаба союз ташкилотининг кўзга кўринган етакчиларидан. Ўтган йил давомида у касаба союз комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган эди.

— Аслида фабрикамиз бинои 1934 йили артель учун қурилган, — деди суҳбатда корхона директори Бахтиёр Раҳимов. Бино фабрикага берилганидан буён анчагина ўзгаришлар қилинди. Лекин шундай бўлсада у ҳозирги талабларга жавоб бера олмайди. Коллективимиз иложи борича унумли ишлашга ҳаракат қиляпти. Ўтган йили планда белгиланган 3,3 миллион сўм ўрнига 3,6 миллион сўмлик фойда олдик. Маданий-ижтимоий, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш фондимизда анчагина маблағимиз бор. Шу пулни турли мақсадларга сарфлашимиз керак. Аммо амалда бунинг иложи бўлмаяпти. Чунки шу йил фабрикамиз бинои бузилиши керак. Бу ҳақда район ижроия комитети яқинда яна бир бор огоҳлантирди. Шу сабабли қўшимча қурилишлар қилишни ҳозирча тўхтатиб турибмиз.

— Янги фабрика бинои қаерга қурилмоқчи?

— Ҳамма гап шу масаланинг ноаниқ бўлиб қолаётганида. Ҳолбуки, СССР Министрлар Советининг 1988 йил 20 июлда қабул қилган «1989—1995 йилларда мебель ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг қўшимча тадбирлари тўғриси»даги қарорида Тошкент мебель фабрикасининг янги биносини 1992 йилда қуриб фойдаланишга топшириш назарда тутилган. Аммо бу қарорнинг ижроси билан ҳеч ким шуғулланаётгани йўқ. Шу қарорга биноан биз республика ҳукуматига, Тошкент область ва шаҳар, Калинин район ижроия комитетларига мурожаат қилдик. Шаҳар ижрокоми қарори билан Калинин районидаги «Иваново» совхози территориясидан 10 гектар майдон ажратиб берилиши лозим эди. Лекин совхоз дирекцияси ҳамон бу сўровга ижобий жавоб бергани йўқ. Бу масалани ҳал қилишда тегишли юқори ташкилотларнинг ёрдамига ҳам муҳтожмиз. Бусиз ишчиларга замонавий талабларга мос келадиган шарт-шароит яратиб бериш амри-маҳоллигича қолаверади.

Директорнинг куюниб гапирганича бор. «Ўзбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари бу вазифани ўз зиммасига олиб, фурсатни қўлдан бой бермай, тезроқ янги бино қурилишини бошлаб юборса айни муддао бўларди. Энди ҳамма гап ҳар бир ташкилот ва идоранинг ўзи қабул қилган қарорнинг ижросини таъминлашида бўлиб қолди.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

29 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Физика. 12.00 Телефильм. 12.30 География. 13.00 «Канонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия. 17.30 Телефильмлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Саломат бўлинг! 18.45 Яна бир бор пассажир транспорти ҳақида. 19.30 Ахборот. 19.45 Теленовелла. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.15 Катталар учун мультфильм. 21.30 Время. 22.20 Театр ва замон. 23.50 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Москва халқ чолғулари оркестрлари ижро этади. 9.35 «Эркин қулаш». Бадиий фильм. 10.50 Ҳайвонот оламида. 11.50 «Ўн икки стул» Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 14.05 Ҳужжатли фильм. 16.00 Д. Шостакович. «Олтин аср» балетидан парчалар. 16.20 Онам, дадам ва мен. 16.50 Болалар соати. 17.50 Депутатлик қадрияти. 18.55 «Коллаж». 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.20 «Ўн икки стул». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 21.30 Время. 22.20 «Сўз» Адабий-бадиий программа. 00.25 Сув полоси. Халқаро турнир.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Адабиёт. 10.05 Итальян тили. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.35 Биология. 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Уй академияси. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.25 «Балконга чиқадиган бу хавфли эшик». Бадиий фильм. 14.50 Киножурнал. 15.00 «Нон азиз». Бадиий фильм, 5-серия. 17.30 Мультфильм. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.15 Концерт. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Москва халқ чолғулари оркестрлари ижро этади. 20.00 Ҳужжатли фильм. 20.30 Хайрли, тун кичкинтойлар! 20.45 «Паром ҳайдовчи аёллар». Ҳужжатли фильм. 21.15 Фильм-концерт. 22.10 Хоккей. СССР чемпионати. 00.15 Навқирон кино.

30 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.00 Телефильм. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 «Канонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм, 2-серия. 17.30 Телефильм. 18.05 Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари. 18.45 Замон ва маросимлар. 19.15 «Ёшлик» 19.30 Ахборот. 19.50 Концерт. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 «Сумалак». Концерт. 21.25 Реклама. 21.30 Время. 22.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. 23.35 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 12.40 Хоккей. СССР чемпионати. 10.50 Болалар соати. 11.50 «Ўн икки стул». Бадиий фильм. 2-серия. 12.55 «Коллаж». 13.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 13.30 «Ўн икки стул». Бадиий фильм, 3-серия. 14.50 Бу бўлган... бўлганди. 16.00 Концерт. 16.20 Болалар учун фильм.17.30 Компьютер билан мулоқот. 18.15 Бор бўл, мусиқа! 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 «Ҳокимият — Советларга!» 20.20 «Ўн икки стул». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Қариялар иши». Телеспектакль. 23.15 Концерт.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 Навқирон кино. 15.20 Рус халқ қўшиқлари. 15.30 «Нон азиз». Бадиий фильм, 6-серия. 17.30 Мультфильм. 17.50 П. Гоген. «Ўтмишдан қараганда». 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Халқ ижодиёти. 20.00 Бировнинг дарди. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Телемусиқий абонемент 21.50 Киножурнал. 22.00 «Эркин шамол». Бадиий фильм.

31 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.00 Мультфильмлар. 12.30 «Оцеола» Бадиий фильм. 17.30 Фильм-концерт. 18.45 Объективда — қайта қуриш. 19.25 Кинолавҳа. 19.30 Ахборот. 19.50 Назорат экрани. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Фильм-концерт. 21.30 Время. 22.00 «Навоий» Видеофильм. 2-қисм. 23.05 Деҳқон ва замон. 00.05 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Саёҳатчилар клуби. 10.50 Ҳужжатли фильм. 11.10 «Камалак». 11.35 Шеърият лаҳзалари. 11.40 «Ўн икки стул». Бадиий фильм, 3-серия. 13.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 13.30 «Ўн икки стул». Бадиий фильм, 4-серия. 14.50 Ҳужжатли фильм. 15.00 Телеспектакль. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.20 Мусиқий хазина. 17.10 Илмий ахборотлар. 17.55 Болалар соати. 18.55 «Коллаж». 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Телесеанс. 20.00 Мультфильм. 20.10 «Ўн икки стул». Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Олам кинокамера кўзгусида. 23.05 «Мезон». 23.25 П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Мусиқа. 12.05 Илмий оммабоп фильм. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.45 РСФСР ва УССР мусиқий фольклорининг концерти. 14.15 Ҳужжатли фильм. 14.50 «Нон азиз». Бадиий фильм, 7-серия. 17.30 Мультфильм. 17.45 Қозоғистон ССР Давлат телерадиоси. 18.10 МТ хазинасидан. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Самарали ғоялар ярмаркаси. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Гусли Болтиқбўйида. 21.10 Ҳужжатли фильм. 21.20 Владимир Тарасов чалади. 22.00 МТ хазинасидан. 23.15 Тўпли хоккей.

1 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I. 11.30 ЎзССР тарихи. 12.00 Телефильм. 12.30 ЎзССР тарихи. 13.00 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм. 17.30 Фильм-концерт. 18.05 Мультфильм. 18.10 Қизиқарли учрашувлар. 19.05 Демократия йўлидан. 19.30 Ахборот. 19.50 Бу сирли олам. 20.30 Ахборот. 20.50 Танбур ва дутор тароналари. 21.25 Реклама. 21.30 Время. 22.00 «Навоий» Видеофильм, 3-қисм 23.10 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. 00.25 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Фильм-концерт. 10.35 Болалар соати. 11.35 «Ўн икки стул». Бадиий фильм, 4-серия. 12.55 «Коллаж». 13.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 13.30 Концерт-очерк. 16.00 Концерт. 16.20 «Солдат ёдномалари» 1-фильм. 17.35 Халқ қўйлари. 17.50 Валерий Балабанов сайёраси. 18.20 Фильм-концерт. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 20.10 «Ўн икки стул». Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «КВН-89» (такрорий).

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 9.55 ва 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Биология. 12.05 Онам, дадам ва мен. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.20 «Ганстер бўлмайман, азизам». Бадиий фильм. 14.30 Ритмик гимнастика. 15.00 «Нон азиз». Бадиий фильм, 8-серия. 17.30 Мультфильм. 17.50 Дўстлик хороводи. 18.20 Ҳужжатли фильм. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Фигурали учиш. Европа чемпионати. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Телемусиқий абонемент. 21.45 Унутилган номларнинг қайтиши. 22.00 «Кучук етаклаган хоним». Бадиий фильм. 23.30 «Юрмала-90».

2 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

УзТВ-I. 17.30 Телефильмлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Ёшлик. 18.55 Шоира Зулфия Бобоеванинг ижоди ҳақида. 19.30 Ахборот. 19.50 Ҳуррият шабадаси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Амалий давра суҳбати. 22.40 «Навоий». Видеофильм, 4-қисм. 23.55 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35 Мўъжизалар майдони. 10.25 Инсон. Ер. Коинот. 11.25 Ҳужжатли фильм. 12.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 13.30 Олам кинокамера кўзгусида. 16.00 «Яшил чироқ». 16.40 Кинопрограмма. 17.25 «Образ». 18.55 «Коллаж». 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Фестиваль белгилари. 20.00 Шеърият лаҳзалари. 20.05 «Ўйинчоқ». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Бу бўлган, бўлганди...» 22.30 «Нигоҳ» 00.10 Концерт.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 9.55 ва 10.55 Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 12.55 Илмий-оммабоп фильмлар. 13.05 «Кучук етаклаган хоним». Бадиий фильм. 14.30 Ҳужжатли фильм. 17.30 Мультфильм. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.40 Концерт. 19.00 Время. Янгиликлар телехизмати. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.35 Хайрли, тун кичкинтойлар! 20.50 Фигурали учиш. Европа чемпионати. 21.50 Ҳужжатли фильм. 22.00 Спорт ҳамма учун. 22.15 «Ўтмишдош». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

3 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум» 10.00 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм. 11.15 Сузиш ЎзССРнинг қишки чемпионати 11.45 «Давлат болалари». Спектакль. 13.50 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга. 14.30 Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 17.55 «Диққат шаҳарда сеҳргар». Бадиий фильм. 18.45 Тенгдошлар. 19.30 Ахборот. 19.45 Телефильм. 20.00 Мусиқий учрашувлар. 20.30 Ҳафтанома. 21.00 Мусиқий учрашувлар. 21.20 Манзарали фильм. 21.30 Время. 22.00 «Навоий» Видеофильм. 5-қисм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Уй академияси. 9.30 Объектив. 10.00 Умринг боқий бўлсин, Ер! 11.00 Бутуниттифоқ журналхонлар конференцияси. 12.15 Концерт. 13.10 Шри-Ланка. 14.00 Стоп-кадр. 15.00 Мультфильм. 15.10 Спектр. 15.40 Киноафиша. 16.40 «Камалак». 17.05 «Алёшанинг севгиси». Бадиий фильм. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 «Қўшлар парвози». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 21.30 Время. 22.00 1989 йил қўшиқлари. 23.50 Телетомошабин ҳамроҳи. 00.05 1989 йил қўшиқлари.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Ҳужжатли фильм. 9.05 Фестиваль белгилари. 9.35 Ҳужжатли фильм. 10.05 «Биринчи ўқитувчи». Бадиий фильм. 11.40 Концерт. 11.55 Ҳужжатли фильм. 12.40 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 13.40 «Иоланта». Бадиий фильм. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 Рус тили. 18.00 Фигурали учиш. Европа чемпионати. 19.00 Время. 19.30 Матбуот клуби. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Матбуот клуби. 23.00 Ҳужжатли фильм. 23.30 «Доктор Жейкл ва мистер Хайд билан содир бўлган гаройиб воқеа». Бадиий фильм.

4 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Муаммо билан юзма-юз. 11.15 «Экватор» кемасининг пассажири». Бадиий фильм. 12.35 Театр болаларга. 13.30 Ишчи — шарафли ном. 14.00 Концерт. 14.45 Таниниг: Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси. 18.00 Мультфильм. 18.10 Концерт. 18.40 «Ёшлик». 19.30 Ахборот. 19.50 Фильмотекамиз жавонидан. 20.30 Ахборот. 20.50 Якшанба оқшомида. 21.30 Время. 22.30 «Навоий». Видеофильм, 6-қисм.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Здоровье. 13.45 Мультфильм. 14.05 «Лидия». Бадиий фильм. 15.35 Визнинг мерос. 16.35 Ҳар қандай дардга давоми... филокатми? 18.20 «Золушка учун уч ёнғоқ». Бадиий фильм. 20.00 Фигурали учиш. Европа чемпионати. 21.30 «7 кун». 22.30 Абадият ҳақида ўйлар. 22.45 Қани энди, ўтмишга қайрилиб боқолсак. 00.15 МИФИ эркаклар хори куйлайди.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Чашмалар. 9.15 «Қайтиш». 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.10 «Жанубдан келаётган тачанка». Бадиий фильм. 11.30 Саньаткор ва ҳокимият. 12.40 «... ва ҳаммаси такрорланади». Бадиий фильм. 13.55 Енгил атлетика. СССР чемпионати. 14.30 Мультфильмлар. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 Халқаро программа. 18.30 Халқ ижодиёти. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 «Виват, Россия!». 21.30 «7 кун». 22.30 «Троянг топинг». Бадиий фильм.

ҲАММАСИ АҲОЛИ УЧУН

Қашқадарё областида шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Воҳада уй-жойлар қуриш билан бирга социал, маданий-маиший объектларни бунёд этиш борасида ҳам тадбиркорлик билан иш олиб борилаётир. Сайловдан сайловгача бўлган даврда қўли гул бинокорларнинг меҳнати билан область районларида киши кўзини қувонтирувчи бир қатор иншоотлар қад кўтарди. Булар орасида Қарши—Муборак магистраль йўли чеккасида салобат тўкиб турган «Бободеҳқон» магазини бор. Унинг хизматидан чўлқуварлар беҳад мамнун. Ульянов райони марказида эса миллий услубда қурилаётган «Бинокор» савдо маркази ҳадемай тўла-тўкис фойдаланишга топширилади. Шунисн қувончлики, бу ерда аҳоли буюртмаси асосида ёғоч ўймакорлиги буюртмалари тайёрлаб берилмоқда.

Шу районда қурилиб битказилган «Муғлон» кинотеатри ёшларнинг севимли дам олиш маскани бўлиб қолди. Ғузорда янги автостанция аҳолига хизмат кўрсата бошлади. У йўловчилар узоғини яқин, оғирини енгил қилади, деган умиддамиз.

Суратда: автостанциянинг умумий кўринниши.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ЁШЛАР ХИЗМАТГА ТАЙЁРМИ?

✦ Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлаётганидек Қуролли Кучларимизни ҳам қайта қуриш давом этмоқда. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири М. Мирзамуҳамедова республика ҳарбий комиссариати сиёсий бўлими бошлиғи А. РУБЕКОга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш шу кунинг долзарб вазифаларидан бири. Республикамизда бу борада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Мамлакатимизда бўлганидек, Қуролли Кучларимизда ҳам давом этаётган қайта қуриш мудофаа қурилишининг ҳам сифат жиҳатидан самарадорлигини таъминлашни талаб этмоқда. Бу йил армия сафига келиб қўшилган ёшлар хизматга қандай тайёргарлик кўрдилар? Бу масала қўшиндаги командирларнигина эмас, балки республикамизда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишини олиб борган тегишли ташкилотлар вакилларини ҳам ҳаяжонлантирмоқда ва қизиқтирмоқда.

Ўзбекистонда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини таҳлил қилиб, шуни қониқиш билан таъкидлаш мумкинки, кўпгина шаҳар ва қишлоқларда, корхона ва муассасаларда, ўқув юртларида бу муҳим ишда қайта қуришни амалга ошириш зарурлигини яхши тушунадилар ва уни тезлаштириш чораларини кўрмоқдалар.

Тошкент, Наманган ва Фарғона областларида ҳарбий комиссариатлар маҳаллий партия ва совет ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлар яхши натижа бермоқда. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш муаммолари давлат манфаати нуқтаи назаридан ва партиявий руҳда ҳал этилмоқда. Ҳарбий комиссариатларнинг талаб ва эҳтиёжларига, таклифларига эътибор билан қулоқ солинмоқда. Тошкент области 1988 йилда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш соҳасида эришган юқори натижалари учун ва чақириқни муваффақиятли ташкил этганлиги учун СССР Мудофаа министрлигининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда партия, халқимизнинг революцион ва жанговар анъаналари, Қуролли Кучларимиз, ҳамюрт қаҳрамонларнинг, байналмилалчи жангчиларнинг жасоратлари кенг тарғиб қилинмоқда.

Республика ва область партия ҳамда комсомол ташкилотларининг ҳамюртларимиз хизмат қилаётган қисмлар ва кемалар билан оталиқ алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистондан ҳарбий хизматга чақирилган кўпгина жангчилар классли мутаҳассис, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларидир. Улар она-Ватанга садоқат билан хизмат қилаётганликлари ҳақида педагогика ва меҳнат коллективларига, ҳарбий комиссариатларга, ота-оналарга қисм қўмондонлиги томонидан миннатдорчилик мактублари келиб турибди. Бу нарса айниқса Тошкент шаҳрида солдат оналарининг Бутуниттифоқ иккинчи слётини ўтказиш арафасида янада ёрқинроқ таъкидланди.

Ўтган йилги баҳорги чақириқ ҳарбий хизматга тайёрлаш бошқа йилларга нисбатан сифат жиҳатдан анча яхшиланганлигини кўрсатди. Бунга албатта ҳарбий-ватанпарварлик ишини мақсадга мувофиқ олиб борилганлиги туфайли эришилди. Лекин, буни ҳали етарли деб бўлмайди. Кўпгина жойларда бу соҳадаги қайта қуриш ишлари анча суст бормоқда. Топширилган иш учун назорат йўлга қўйилмаган. Республикамиздан хизматга борган ёшлар рус тилини яхши билмасликларини қандай баҳолаш мумкин? Бундай аҳвол албатта ишимизга, чунончи ёшларнинг хизмат қилишига, ҳарбий мутахассисликни, техникани ўз муддатида эгаллашларига салбий таъсир қилмай қолмайди. Ёшларнинг рус тилини билмасликлари ҳақидаги маълумотларни ҳар йили гапириб қўя қоламизу лекин бу ишни олга силжита олмаётирмиз. Ваҳолонки, ҳарбий қисмлардан ҳарбий комиссариатлар ва халқ маорифи органларига кетмакет шикоят хатлар келиб турибди. Бу айниқса, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан хизматга борган чақирилувчиларга тегишлидир. Кейинги пайтда бу аҳвол яхшиланиш ўрнига аксинча бўлганлиги кузатилмоқда.

Ҳарбий комиссариатлар ҳар йили рус тилини яхши тушунмайдиган ва гапира олмайдиган ёшларни топиб, уларнинг рўйхатини тегишли халқ маорифи бўлимларига юборадилар. Бундай рўйхатга тушганларни мактабларнинг педагогика коллективлари, касб-ҳунар билим юртлари «Чақирилувчи» ва «Бўлажак жангчи» каби рус тилини ўрганиш тўгаракларига жалб этишлари зарур.

Лекин бу иш барча ерда етарли даражада ташкил этилмаган. Тошкент шаҳрининг Октябрь ва С. Раҳимов районларида, Тошкент областининг Оққўрғон, Бўстонлиқ, Оржоникидзе районларида, Сурхондарё ва Қашқадарё областининг барча районларида, Қорақалпоғистон АССРда бундай курслар фақат назарий жиҳатдан мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигида машғулотлар ўтказилмаётир. Бироқ, ўқитувчиларга тўлиқ ойлик тўланмоқда.

— Чақириқ ёшигача ва чақириқ ёшида бўлган ёшларни жисмонан чиниқтириш борасида қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Бу соҳада жиддий камчиликлар бор. Кўпинча биз рақамларга ишониб, хотиржамликка бериламиз. «Армияга бораётган чақирилувчиларнинг ўн нафаридан тўқ-ким нафари ГТО нормаларини топширган» деган маълумотга ишонамиз. Қайта текшириш пайтида эса уларнинг 20-25 фоизигина бу нормативларни бажара олади. Спорт комитетлари, халқ маорифи органлари ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини юзаки таҳлил қилмоқдалар. Бу тайёргарликнинг яхшиланишига ўз таъсирларини ўтказмаётирлар. Чақириқ ёшигача ва чақириқ ёшида бўлган ёшлар ўртасида шахсий командалар мусобақаси кўпдан бўён ўтказилмаётир. Вазифа шундан иборатки, ёшлар ўртасида оммавий спорт ишлари савиясини юқори кўтариш, спорт секцияларига ёшларни кўпроқ жалб этиш даркор. Тегишли ташкилотлар раҳбарларидан разрядли спортчилар, ГТО нишондорларининг сони тўғрисида аниқ маълумотларни талаб қилиш муҳимдир. Бухоро, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм областларининг ҳарбий комиссариатлари ва жисмоний тарбия ташкилотлари бир неча бор танқид қилиндилар. Лекин шунга қарамасдан бу областларда ана шу соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Ҳарбий, спорт-соғломлаштириш лагерлари қурилиши масаласи ҳам ҳозирча суст ҳал этилмоқда. Афсуски, шу бугунги кунгача республикамизнинг бирорта областида типовой низомнинг барча талабларига жавоб берадиган ана шундай лагерь йўқ. Бунинг асосий сабаби бу иш билан бевосита шуғулланадиган шахсан жавобгар мансабдор шахс белгиланмаганлигидир.

Йилдан-йилга қўшинларда чақириқ ёшидаги йигитлар ўртасида даволаш-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги кўпроқ сезилмоқда. Касалманд ёшлар ўз вақтида даволаниш учун юборилмаётир. Жойларда соғлиқни сақлаш органлари иши қониқарсизлиги, қўшинлар сафидаги юзлаб ёш йигитлар саломатликлари яхши эмаслиги туфайли қайтариб юборилмоқда.

Яна шу нарса ҳам сир эмаски, минглаб ўзбекистонлик ёшлар саломатликлари яхши эмаслиги, жисмонан камқувватлиги туфайли чақириқ муддати узайтирилиб, яъни улар «эркаклар университети»дан четда қолмоқдалар. Айниқса кейинги йилларда чақирилувчи ёшларнинг саломатликлари яхши эмаслиги сезилиб қолмоқда.

— Чақириқ ёшига етмаган ва чақириқ ёшидагилар билан иш олиб боришда яна қандай муаммоларга дуч келинятпи?

— Ёшлар орасида Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишга лоқайд муносабатда бўлиш ҳоллари бизни ташвишга солмоқда. Айрим ёшлар шундай мулоҳаза юритишади: Қуролли Кучларни қисқартираётган бўлсак, Ватан ҳимоясига тайёрлашнинг нима кераги бор. Бунинг устига ёшлар орасида атеистик тарғибот ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Айрим чақирилувчилар диний тарғиботларда фаол қатнашмоқдалар ва ташкилотчилик қилмоқдалар. Ҳеч қаерда ишламайдиган ёшлар сони республикамизда кўпаяётганлиги ҳам ташвишлантирмоқда. Ўтган йил баҳорида хизматга чақирилган ёшларнинг ўн фоизга яқини милиция болалар хонасида олдин ҳисобда турган. Судланганлар сони эса, 10,2 фоиздан 12 фоизгача кўпайган. 240 нафардан ортиқ йигит наркология диспансерида ҳисобда туришади. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчилари томонидан ҳуқуқ бузиш ҳоллари-нинг салмоғи юқорилигича турибди. Бундан бир неча йил муқаддам бундай маълумотлар ҳақида сукут сақланарди. Тўғри, алкоголлар тўғрисида ёзиларди ва гап ҳам бўлиб турарди. Лекин, нашавандлар ҳақида ҳеч қандай гап бўлмасди. Энди бунинг азобини тортмоқдамиз. Шунинг учун шошилинч равишда бундай иллатларнинг олдини олиш даркор.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини ошириш жойларда бу ишни ташкил этишда янгича ёндашувларни дадилроқ излаб топиш, партия, совет, жамоат ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар, халқ маорифи органлари ва ДОСААФ ташкилотларига ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасидаги вазифаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш, бу соҳадаги илғор тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш керак. Республикамизнинг туб миллатига мансуб бўлган офицер кадрлар тайёрлашни кўпайтириш зарур. Бу ўринда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш лозим. Совет офицери касби шарафли касб эканлигини тарғиб қилиш, ҳарбий хизматнинг юксак ватанпарварлик ва байналмилал аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш керак. Ана шундагина ҳарбий билим юртларига киришга қизиқувчилар сони янада кўпаяди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ишига, ҳарбий техник машғулотларга барвақт жалб этиш керак. Ана шунда ўсмирлар кўчада беҳуда сангиб юришдан кўра фойдали иш қилишга одатланадилар. Лекин ўсмирлар клублари ертўлалар ва эскириб кетган биноларга жойлашганлигини ачиниш билан таъкидлашга тўғри келади. Наҳотки бутун бошли уй-жой массивларини қураётганда ана шундай клубларга мосланган махсус биноларни ҳам қуриш мумкин бўлмаса? Шундан биз нимани ҳам иқтисод қилардик?

Бошланғич ҳарбий таълимни ташкил этиш ва унинг сифати ҳамон армияга тайёргарликнинг бўш бўғини бўлиб қолмоқда. Бошланғич ҳарбий таълим самарадорлигини ошириш учун умумтаълим мактаблари, техникумлар ва хунартехника билим юртлари моддий ўқув базасини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Бахтга қарши бу масалада биз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу ҳақдаги қарорлари талабларини бажара олмаймиз. Республикамиздаги ўқув юртларининг 33,7 фоизигина бошланғич ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув моддий базасининг тўла комплекси элементларига эга, холос. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ҳамкорликда ўқув юртларига оталиқ ёрдами кўрсатиши тўғрисида яхши қарор қабул қилинган. Лекин саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари бу ишни бажаришда лоқайдлик қилмоқдалар.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бугунги кунинг муҳим вазифаларидан бири. Бу ишни яхши ташкил этиш, ҳал этилмаган муаммоларни ҳал қилиш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солиш керак.

АХБОРОТ

Билимлар—оммага

Бахмал районидаги раҳбар ходимларнинг район меҳнаткашлари билан учрашувлари анъанага айланган.

Бу мулоқотларда аҳолига ҳуқуқ билимлари тарғиб этиляпти. Кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилмоқда. Бу тадбир айрим ариза ва шикоятларнинг жойларда вақтида ҳал этилишини таъминлаяпти. Шунингдек, Бахмалда ойнинг иккинчи шанбаси педагогик билимларни тарғиб этиш куни, деб белгиланган. Шу куни «Билим» жамияти ходимлари турли қизиқарли учрашув ва кечалар ташкил этишмоқда.

Тикланган анъаналар

Сирдарё педагогика институтида унутилаётган анъаналарни тиклаш борасида ўтказилган кўрик-конкурс ўзига хос тарбиявий тадбир бўлди.

Кўрикда шаҳардаги медицина, педагогика ҳамда ҳунартехника билим юртлари талабалари ҳам қатнашдилар. Иштирокчи қизлар «Алла», «Ёр-ёр», «Келин саломи» каби қўшиқларни маромига етказиб ижро этиш билан бирга ўтмишда ўзбек аёллари, келинчакларнинг урф-одатлари, рўзғор юритиш ҳамда бола тарбиясидаги расм-русумлари ҳақида билганларини намойиш этишди. Талабалардан Назира Туропова, Меҳринисо Кенжаева, Умида Умаровалар қуйлаган «Суст хотин — султон хотин», «Дўппи» «Сумалак», «Хўп ҳайда» қўшиқлари томошабинларда таассурот қолдирди.

Суюлтирилган совун

Гулистон ёғ-экстракция заводи кир совун ўрнини босадиган суюқлик ишлаб чиқара бошлади.

Ҳар куни 3 тоннагача миқдорда ишлаб чиқарилаётган кир ювиш воситаси уй бекаларига маъқул бўлаётир. Суюлтирилган совуннинг литри 70 тийиндан. Завод маъмурияти келгусида суюқ совунни кўпроқ тайёрлаш, унинг баҳосини янада арзонлаштириш чораларини кўрмоқда. Бу эса аҳолининг кир совунга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконини беради.

Б. САТТОРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

Истеъмолчига эътибор шуми?

Газетага илгари ёзмаганман. Буни ёзишимга қизим учун магазиндан олган республикамиз фабрикаларидан бирида ишлаб чиқарилган спорт кийими сабаб бўлди. Бир ҳафтадан кейин уни ювиб, ҳайрон қолдим. Тўқ қизил рангдаги спорт кийими оч қизил рангга айланиб қолибди.

Қизим: «Ойи, кийимим бошқача рангда бўлиб қолибдими?» деганида бир оз хижолат тортдим. Тўғриси, республикамизда ишлаб чиқарилаётган газламалардан тикилган баъзи кийимкечакларни ювиб бўлмайди. Қизил бўлса қизил, кўк бўлса кўк ранг сувга чиқиб, бўялиб кетади.

Очиғи, чет эл буюмларининг сифатлигига қойил қолиш керак. Япон рўмолини сотиб олганимга 10 йилдан ошди. Шу давр ичида неча маротаба ювдим, янги пайти ранги қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай.

Хўш, қачонгача республика Енгил саноат министрлигига қарашли корхоналар сифатсиз, ювганда ранги чиқиб кетадиган газламалар ишлаб чиқаради? Ахир, истеъмолчини ҳам ўйлаш керак-ку! Сифатли хом ашё етказиб бersаг-у (пахтани назарда тутяпман), эвазига палапартиш тайёрланган маҳсулот олсак. Тилагим — чидамли, арзон газламалар кўпроқ бўлса.

С. МИРАҲМЕДОВА, Сирдарё области.

«Ҳечдан кўра, кеч яхши»

Ниҳоят, қишлоғимизга газ келди.

Мана эшитинг: республика «Наштар» сатирик киножурналининг 1980 йилги сонларидан бирида бизнинг Жалолқудуқ районидаги «Ойим» давлат хўжалигида 1975 йилда табиий газ қувурлари ётқизилганн-ю, ҳалигача маҳаллалар аҳолиси табиий газдан фойдалана олмаётганлиги танқид қилинган эди. Очиғи, ўша пайтдаги бу танқид мазкур соҳадаги масъул раҳбарлар учун чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмаганди.

Лекин кейинги икки йил ичида аҳвол ўзгарди. «Ойим» қишлоғининг тарихий «Далварзинтепа» даҳаси, «Тошлоқ», «Коммунизм» маҳаллаларига табиий газ қувурлари ўтказилди. Аҳоли газ билан тўла таъминланди.

Хуллас, «Союзузбекгаз» ташкилоти раҳбарлари қайта қуриш даврида бир нарсага тушуниб етишди: «Ҳечдан кўра, кеч яхши» экан.

Р. ПОЛВОНОВ, Андижон области.

«Ўз шакарингиз билан келинг»

Сўнгги марта Тошкентда бундан 3-4 йил аввал бўлган эдим. Шу йил бошида бир ойга малака оширишга юборишларини айтишганда, қувониб кетдим.

Энди ўзингиз айтингчи, бир ой сафарга чиққан одам ўзи билан нима олади? Албатта, мавсумга қараб керакли кийим-бош ва бошқа зарур нарсаларнигина олади-да.

Бироқ меҳмонхонада бир неча кун яшагач, вазият мен ўйлаганимдан анча бошқача эканлигининг гувоҳи бўлдим.

Одатда ҳар куни эрталаб чой қанд ёки шакар билан ичилади. Мен биринчи кун бир амаллаб қонушта қилдимда, шакар ёки қанд излаб шаҳардаги озиқ-овқат магазинларини айланиб чиқдим. Тўғри, уларнинг кўпчилигида шакар бор. Лекин, мен бир нарсани, Тошкент шаҳар ижрокоми бу маҳсулот учун талон системасини жорий этганлигини, уни сотиб олиш учун эса Тошкент шаҳрида пропискада бўлиш кераклигини унутиб қўйган эканман. Хуллас, озиқ-овқат магазинлари бўйлаб қилган сафарим бесамара тугади. Шундан бери шакарсиз чой ичиб юрибман. Ҳай, майли, тезда малака ошириш тугаб, ўз районимга қайтгач, яна ширин чой ичишга ўтарман.

Тошкентга командировкага келадиган ўртоқларни огоҳлантириб қўймоқчиман: «Ўзингиз билан албатта ишингиз битадиган муддат учун етадиган шакар ёки қанд ола келинг». Акс ҳолда менга ўхшаб, магазин кезиб овора бўласиз.

Т. ШАРОПОВ.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР АРБОБЛАРИ УЮШМАСИ,

ТЕАТР САНЪАТИ ТАРҒИБОТИ БЎЙИЧА БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗТЕАТР» БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ.

Ўзбекистон театрларининг иккинчи жумҳурият анжумани

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

29 ЯНВАРЬ — 6 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

РЎЗНОМА

29 ЯНВАРЬ СОАТ 18.00 ДА

АНЖУМАННИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

А. Иброҳимов. «ПУЧ».
Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли (театр биносида).

30 ЯНВАРЬ СОАТ 12.00 ДА
К. Хачатурян. «ЧИППОЛИНО».

Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театрининг спектакли (театр биносида).

КЕЧ СОАТ 19.00 ДА
А. ЎТАЛИЕВ. «ЭРНАЗАР ОЛАКЎЗ».

К. С. Станиславский номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқий театрининг спектакли (Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри биносида).

31 ЯНВАРЬ КЕЧ СОАТ 19.00 ДА
Д. Поунэлл. «МАСТЕР-КЛАСС».

Горький номидаги рус Давлат академик театрининг спектакли (театр биносида).

1 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12.00 да
А. ЖАББОР. «ЧОРРАҲА».

Й. Охунбобоев номидаги Андижон вилояти Ўзбек Давлат мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли (Рус Давлат Ёш томошабинлар театри биносида).

КЕЧ СОАТ 19.00 ДА.
М. Бобоев, Ҳ. Раҳимов. «МУШКУЛ САВДО».

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли (театр биносида).

2 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12.00 ДА.
ҲАМЗАНИНГ НОМАЪЛУМ ТЕАТР ТОМОШАЛАРИ МАЖМУАСИДАН:

«Жононга бордим бир кеча...», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари».

«Союзтеатр» Жумҳурият бўлимининг «МУЛОҚОТ» театр студияси спектакли (Қарши шаҳри, Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри биносида).

КЕЧ СОАТ 19.00 ДА.
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. «ПАРАНЖИ СИРЛАРИ».

Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театрининг спектакли (театр биносида).

3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12.00 ДА
Ю. Азимзода. «НАСРИДДИННИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ».

А. Мажидий номидаги Каттақўрғон Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли (Рус Давлат Ёш томошабинлар театри биносида).

КЕЧ СОАТ 19.00 ДА.
А. Глебов. «МИЛЛИОНЕРША».

Давлат мусиқий комедия (оперетта) **театрининг спектакли** (театр биносида).

4 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да
И. Турсунов. «БУ ТЕЛБА ДУНЁ».

Навоий номидаги Наманган вилояти Ўзбек Давлат мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли (Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри биносида).

5 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА
Э. Самандаров, К. Раҳимов. «ОЛМА ПИШГАНДА КЕЛИНГ».

Огаҳий номидаги Хоразм вилояти Ўзбек Давлат мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли (Муқимий номидаги мусиқий театр биносида).

6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 10.00 ДА.
ЯКУНИЙ ЙИҒИЛИШ. Анжуман ҳакамлари ҳайъатининг ҳисоботи.

АНЖУМАННИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШИ («Интурист» маданий-ахборот маркази биносида).

АНЖУМАН МЕҲМОНЛАРИНИНГ КОНКУРСДАН ТАШҚАРИ КЎРСАТАДИГАН ТОМОШАЛАРИ

30 ЯНВАРЬ СОАТ 12.00 ДА
Ж. Жабборов. «ЎЖАРЛАР».

Нов шаҳар Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли (Тожикистон жумҳурияти, Рус Давлат Ёш томошабинлар театри биносида).

1 ФЕВРАЛЬ СОАТ 21.00 ДА
Ш. Дилени. «ВКУС МЕДА».

«Дард» театр-студиясининг спектакли (Каноп фабрикаси клубида).

2 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

А. Ким. «ПРОШЛО 200 ЛЕТ».
«Илҳом» театр-студиясининг спектакли (студия биносида).

3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

Ш. Бошбеков. «КРАСНАЯ ДИСКЕТА».
«Илҳом» театр-студиясининг спектакли (студия биносида).

4 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12.00 ДА

Ж. Оффенбах. «СКАЗКИ ГОФМАНА».

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси опера студиясининг спектакли (Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет Катта театри биносида).

СОАТ 15.00 ДА
А. Орипов. «ЖАННАТГА ЙЎЛ».

Киров номидаги Ўш Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли (Қирғизистон жумҳурияти, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри биносида).

5 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12.00 ДА
Қ. Матмуродов. «ЎМИРБЕК ВА КАЛЎҒЛОН».

К. С. Станиславский номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқий театрининг спектакли (Рус Давлат Ёш томошабинлар театри биносида).

Спектаклларга билетлар сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 33-08-39, 32-36-43, 33-41-85, 32-35-53.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04053. № 23. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12